


Фатҳулла Масъудов: «Имом Бухорий образини ижро этиш бир умрлик орзуларимдан бири эди»



16:08 / 09.09.2020 3077

Аллоҳ таоло Ўз каломи Қуръони каримнинг Анкабут сураси, 57 оятида шундай марҳамат қилади:

«Ҳар бир жон ўлим (аччиғи)ни тотувчидир».

Ўлим ҳар кимнинг бошида бор. Аммо, уламолар яхши, солиҳ инсонларнинг узоқ умр кўриши жамият учун манфаатлидир деганлар.

Ўзгалар ёми учун қайғуриб яшаган, ҳусни хулқ соҳиби, маърифат ва маънавият тарғиботчиларидан бири, маданият соҳасида кўп йиллар самарали хизмат қилган Ўзбек Миллий академик драма театри раҳбари,

халқ эътиборига тушган инсон Фатхулла Маъсудов вафот этди.

Аллоҳ таоло марҳумни Ўз мағфиратига олсин!

Яқинлари Фатхулла Маъсудовни ўзгача таъсирот билан ёдга олмоқда. Бу инсон Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга, динга, уламоларга ва маърифатга муҳаббатли бўлганлигини эътироф этадилар.

«Имом Бухорий ва Имом Термизийга бўлган юксак ҳурмати ва ўзгача ғойибона меҳри бор эди. Шунданми, ундаги одоб, ўзгаларга бўлган илиқ табассум ва гўзал муносабат, айниқса гўзал ахлоқи жуда кўпчиликни ҳавасини келтирарди. Одамларга қўлдан келганча холис, самимий яхшиликлар қиларди, фарз ва суннатларга мустаҳкам бўлишга интиларди», дейди дўстларидан бири.

Шу йилнинг февраль ойи бошида аждодлар меросига бағишланган қисқа метражли фильм суратга олишни бошладик. Тарихий қаҳрамонлар образлари учун мос либослар ва реквизитлар керак бўлди. Бир нечта жойларга мурожаат қилдик... Афсуски, натижа бўлмади. Миллий театр телефон рақамларини топиб қўнғироқ қилдик ва ходимлар директор Фатхулла акадан рухсат олиш кераклигини айтиб уяли телефон номерларини берди.

Қўнғироқ қилдик, Фатхулла ака эса одоб ва чиройли муомала билан «қўлимдан келганча холис хизмат қилишга тайёрман, эртага театрга келинг», деб жавоб бердилар. Очиғи машҳур инсон мухлислари кўп санъаткордан бундай чиройли муносабат ва муомалани кутмаганлигим сабаб бироз ҳайратга тушдим...

Эртасига театрга бордик, бизни дарвозаданоқ илиқ кутиб олишди ва Ахрор исмли Фатхулла аканинг ёрдамчиси нима лозим бўлса ҳаммасини имкон қадар тайёр қилиб беришини айтди: «Фатхулла ака менга қаттиқ тайинлаганлар, мен хизматингиздаман» деди.

Ўзимизга керакли нарсалар, либослар ва реквизитларнинг рўйхатини бердик. Ишни гримёр (юзни тарихий шахсга хос қилиб безайдиган шахс) хонасидан бошладик. Пардозчи грим, салла-соқоллар ва хизмат ҳаққи қиммат туришини таъкидлади. Шу пайт Ахрор ака Фатхулла акага қўнғироқ қилди ва Фатхулла ака телефон орқали пардозчиларга биз учун хизматилар бепул эканлигини тушунтириб сўзи охирида: Саидаброржон дин ва маърифат учун қўлимдан келганча холис хизматдаман, агар биздан топилмаса бошқа жойдан бўлса ҳам топиб бераман, ҳаққимизга дуода

бўлсаларингиз бўлди. Аллоҳ бизларни йўлидан адаштирмасин, мағфират қилсин» – дея таъкидлаб ўтди.

5 кун мобайнида ҳар куни театрга бориб грим қилдирдик ва либосларни олдик, ҳамма биз учун холис хизматда. Кунларнинг бирида Фатҳулла ака қўнғироқ қилиб камчиликлар йўқми дея сўраб қолди. Мен ҳаммаси жойида раҳмат дедим. Имом Бухорий ролини ким ўйнапти деб сўраб қолдилар, Институт талабаларидан бири дедим. «Агар имкони бўлса шу образни мен ижро этсам, бир умрлик орзуларимдан бири эди» деди. Биз рози бўлдик. Аммо, тақдир экан «Фатҳулла» ака вилоятларга сафарга кетадиган бўлиб қолди ва қўнғироқ қилиб узр сўради.

Тасвирга олиш якунланганидан сўнг Фатҳулла акага миннатдорлик билдириб ёрдамлари учун Қуръони карим ва ҳадис китобини совға қилдик. Жуда ҳам хурсанд бўлиб кетдилар. Ўша онда уларнинг сўнги марта менга айтган гаплари ҳали ҳам қулоғимда чалиниб туради:

«Биз ким бўлишимиздан, қайси касб эгаси эканлигимиздан, мавқе ва бой-камбағаллигимиздан қатъий назар Аллоҳникимиз ва бир кун албатта Аллоҳнинг Ўзига қайтамиз. Шу фикрни онгимиз ва қалбимизга сингдириб унга амал қилиб яшашни ва уни халқимизга ҳам етказиб беришни ўзимга фарз ва қарз деб биламан».

Аллоҳ таоло марҳумнинг қилган яхши амалларини ўзига ҳамроҳ қилиб, Ўз жаннатидан жой ато этсин! Фарзандлари ва аҳлига сабру жамил берсин!

Саидаброр Умаров